

Мунофиқларга энг оғир намоз | Сийрат дарслари (268-дарс)



19:00 / 10.02.2024 3636

368. Убай ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир куни бомдод намозини ўқидилар ва: **«Фалончи борми?»** дедилар. «Йўқ», дейишди. **«Фалончи борми?»** дедилар. «Йўқ», дейишди. **«Албатта, мунофиқларга энг оғир намоз ушбу икки намоздир. Агар иккаласидаги нарсани билганларингизда тиззаларда эмаклаб бўлса ҳам келар эдингиз. Батаҳқиқ, биринчи саф худди фаришталарнинг сафи кабидир. Агар унинг фазилатини билганингизда, унга шошилар эдингиз. Албатта, кишининг бошқа киши билан бирга ўқиган намози ёлғиз ўқиганидан афзалдир. Унинг икки киши билан ўқиган намози бир киши билан ўқиган намозидан афзалдир. Қанча кўпайса, Аллоҳ таолога шунча**

севимлидир», дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

369. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар одамлар азонда ва биринчи сафда нима борлигини билганларида, сўнгра қуръа ташлашдан бошқа илож топа олмаганларида, албатта қуръа ташлаган бўлишар эди. Агар иссиқ вақтда намозга боришда нима борлигини билганларида, кимўзарга боришар эди. Агар хуфтон ва бомдод намозларида нима борлигини билганларида, уларга эмаклаб бўлса ҳам келишар эди»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

370. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Имом кафил, муаззин омонатдордир. Аллоҳим, имомларни тўғри йўлга йўлла ва муаззинларни мағфират қил»,** дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

371. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: **«Кишининг жамоатдаги намози(нинг савоби) унинг уйидаги ва бозоридаги намозидан йигирма беш баробар кўпайтириб берилади. Бунда у таҳорат қилса, таҳоратини гўзал қилиб, сўнг фақат намоз ўқиш нияти билан масжид томон йўлга чиқса, ҳар босган қадами учун мартабаси бир даража кўтарилади ва битта хатоси ўчирилади. Намоз ўқиб бўлганида эса, у намоз ўқиган жойида турар экан, фаришталар: «Аллоҳим, уни ёрлақагин! Аллоҳим, унга раҳм қил!»** деб салавот айтиб туришади. Қай бирингиз намозни кутиб турар экан, у намоздадир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шунга ўхшаш бошқа ривоятда: **«Масжидга кирганида, модомики, уни намоз тутиб турар экан, намозда бўлади»,** дейилган. Ва фаришталарнинг дуосида: **«Аллоҳим, уни мағфират қил, Аллоҳим тавбасини қабул қил, модомики, унда озор бермаса ва бетаҳорат**

бўлмаса»ни зиёда қилган.

Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.